

Кассация инстанциясида
маърузачи судья: М.Тухтаев

Биринчи инстанция судининг
судьяси: Т.Кодиров

**ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА САМАРҚАНД ВИЛОЯТ СУДИ
КАССАЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ**

А Ж Р И М И

№ 4-1-2023-17

2019 йил май ойининг 24 куни жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилоят суди кассация инстанцияси судлов ҳайъати ўз биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи вилоят суди раисининг ўринбосари Ў.Мамадалиев, ҳайъат судьялари Ғ.Негматов ва М.Тухтаевлардан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси М.Садиқовнинг котиблигида, тарафлардан Самарқанд вилоят прокуратураси бўлим прокурори Э.Султанов, судланган З.Мнинг ҳимоячиси - адвокат С.Миргиясовларнинг иштирокида, жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг 2017 йил 27 ноябрдаги ҳукмига асосан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 4-қисми “в” банди билан судланган,

М.З.Т., 19?? йил 2 май куни Самарқанд туманида туғилган, Ўзбекистон фуқароси, миллати ўзбек, маълумоти ўрта, оилали, 2 нафар фарзандлари бор, хусусий тадбиркорлик билан шуғулланиб келган, муқаддам судланмаган, Тайлоқ тумани, “В” МФЙга қарашли “В” қишлоғида яшаган, эҳтиёт чораси сифатида “қамоқ” қўлланилганга

нисбатан чиқарилган ҳукм устидан судланган З.М ва унинг ҳимоячиси С.Миргиясовлар томонидан келтирилган кассация шикоят асосида жиноят ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни;

А Н И Қ Л А Д И:

З.Мга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 4-қисми “в” банди билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, 3 йил 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, жазони ўташлик умумий тартибли колонияларда белгиланган.

Мазкур ҳукм билан И.З.А ҳам судланган бўлиб, унинг қисми бўйича шикоят ёки протест келтирилмаганлиги сабабли унинг қисми муҳокама қилинмайди.

Суднинг ҳукмига кўра, З.М ўзганинг мол-мулкани яширин равишда талон-торож қилиш мақсадида, таниши Исмоилова Заррина Ахмедовна билан олдиндан жиноий тил бириктириб, бир гуруҳ бўлишиб ўзларининг жиноий қилмишларини амалга ошириш учун 2017 йил 1 октябрь куни соат 16:30 ларда Самарқанд шаҳар У.Хайём кўчаси 9-уй 31-хонадонда яшовчи Г.Н.Б. яшаш уйига З.И кириб, Н.Г бошқа уй юмушлари билан шуғулланаётганидан фойдаланиб, Н.Г.нинг уйини кириш эшиги калитини яширин равишда қўлга киритишганидан сўнг 2017 йил 2 октябрь куни соат 11:30 ларда З.М ва З.И.лар ўзларининг жиноий ҳаракатларини

давом эттириб, Самарқанд шаҳар У.Хайём кўчаси 9-уй 31-хонадонда яшовчи Г.Н.Б.нинг яшаш уйига ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб, яъни З.И таниши Н.Г ва унинг қизи Н.Х.ларни сотиладиган уй жойини кўрсатиш баҳонасида ўзини уйига таклиф қилиш йўли билан чалғитишга уринган вақтда, судланувчи З.М ўзи билан олиб келган бир кун олдин қўлга киритилган калит билан кириш эшигини очиш йўли орқали Н.Г.нинг уйига ғайриқонуний равишда кириб, уй хоналарини эшиклари очиклигидан фойдаланиб, ётоқхонасида жойлашган шкаф устидаги термос ичидан Ўзбекистон Республикаси Миллий валютаси қийматидан келиб чиққан ҳолда 400.000.000 сўмига тенг бўлган жуда кўп миқдордаги 50.000 АҚШ долларини яширин равишда қасддан талон-торож қилиб воқеа жойидан яширинган.

Судланувчи З.М томонидан келтирилган кассация шикоятда, айбига иқrorлигини, қилмишидан пушаймонлигини, шахсини, оилавий шароитини, қармоғида вояга етмаган 2 нафар фарзандлари ва кекса ота-онаси борлигини, оилада ягона боқувчи эканлигини, жабрланувчининг даъвоси йўқлигини, ўзига тегишли хулоса чиқарганлигин, жазони ўташ жойидан ижобий тавсифланганлигини, ҳозирда қатъий тузалиш йўлига ўтганлигини инobatга олиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 57-моддасини қўллаб тайинланган жазони озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлашликни сўраган.

Судлов ҳайъати, иш бўйича вилоят суди судьяси М.Тухтаевнинг маърузасини, прокурор Э.Султановнинг суд ҳукмини ўзгаришсиз, кассация шикоятини қаноатлантирмасдан қолдириш ҳақидаги хулосасини, судланувчи З.Мнинг ҳимоячиси С.Миргиясовларнинг кассация шикоятини қаноатлантириш ҳақидаги фикрини тинглаб, кассация шикоятда келтирилган вaжларни жиноят иши ҳужжатлари билан бирга таҳлил қилиб, кассация шикоятини қаноатлантирмасдан, суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топди.

Судланувчи З.Мнинг айби, ўзининг тўлиқ иқrorлик билдириб берган кўрсатуви, судланган З.Исмоилованинг, жабрланувчи ва гувоҳларнинг дастлабки тергов ва биринчи босқич судидаги кўрсатувлари, жиноят ишидаги ариза, воқеа жойини кўздан кечириш баённомаси ва унга илова қилинган фотожадвал, ашъвий далилни олиш, нарсани кўздан кечириш баённомалари, маълумотномалар, тушунтириш хатлари ҳамда ишда тўпланган бошқа далиллар йиғиндиси билан тўлиқ тасдиқланган.

Биринчи босқич суди томонидан З.Мнинг жиноий ҳаракати ЖКнинг 169-моддаси 4-қисми “в” банди билан тўғри квалификация қилинган.

Судлов ҳайъати, шикоятда келтирилган вaжлар билан келишиб бўлмайти деб ҳисоблайди.

Чунки, биринчи босқич суди томонидан З.Мга нисбатан жазо тури ва миқдорини белгилашда, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг инсонпарварлик ва одиллик принциплари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг раҳбарий

тушунтиришларига риоя этган ҳолда, унинг айбига иқрорлигини, ёшини, шахсини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, оилавий шароитини, яшаш жойидан ижобий тавсифланганлигини, етказилган моддий зарар тўлиқ қопланганлигини, содир этган жиноятининг ижтимоий хавфлилик даражасини ва хусусиятини инобатга олиб, ЖКнинг 57-моддасини қўллаган ҳолда, қонун санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазосининг энг кам қисмидан ҳам камроқ озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаб, қонуний ва адолатли тўхтамга келган.

Юқоридагиларга кўра, судлов ҳайъати шикоятда келтирилган важлар суд ҳукмини ўзгартириш ёки бекор қилишга асос бўлаолмаслиги сабабли, суд ҳукмини ўзгаришсиз, келтирилган кассация шикоятини қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топди.

Юқоридагиларга асосан ва Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 490, 496, 506, 509-моддаларини қўллаб, кассация инстанцияси суди;-

А Ж Р И М Қ И Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг 2017 йил 27 ноябрдаги ҳукмининг М.З.Т.га оид қисми ўзгаришсиз, келтирилган кассация шикояти қаноатлантиришсиз қолдирилсин.

Раислик қилувчи:

Ў.Мамадалиев

Ҳайъат аъзолари:

Ғ.Негматов

М.Тўхтаев